

## ТАРИХСИЗ - КЕЛАЖАК ЙЎҚ!

*Ориентал университети магистранти  
Ижтимоий ва сиёсий фанлар институти,  
Ижтимоий-иқтисодий факультет декани,  
Адхамов Рустам Равшанович*

**Аннотация:** Ушбу мақолада халқимиз ва ёшларимизда ўз ўтмиши ва тарихи, илму зиёга қизиқиши азал азалдан юқори бўлиб келганини инобатга олган ҳолда мамлакатимизда айнан тарихшуносликка ихтисослашган университетни барпо этиш масаласи бўйича таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** маънавият, маърифат, ренессанс, Scopus, Web of Science, конференция, тарих, илм-фан, баркамол

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳномалигида янги Ўзбекистонда туб ислохотлар айниқса, маънавият ва маърифат соҳасида олиб борилаётган бир шароитда келажагимиз пойдевори - юртимиз ёшларини маънавий баркамол инсонлар бўлиб етиштиришларида маънавиятимизнинг ўзани бўлмиш тарих фани муҳим аҳамият касб этади. Зеро, халқимиз ва ёшларимизда ўз ўтмиши ва тарихи, илму зиёга қизиқиши азал азалдан юқори бўлиб келгани ҳеч кимга сир эмас. Шу сабаб Мамлакатимизда айнан тарихшуносликка ихтисослашган университетни барпо этиш масаласи бугунги кун талабларининг бирига айланиб бораётгани айни ҳақиқатдир.

Алоҳида қайд этиш жоизки, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ўзликни англаш, уларни кадрларимиз, урф одатларимиз, анъаналаримиз руҳи билан тарбиялаш, уларда маънавий иммунитетни ривожлантириш ва мустақамлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Бу борадаги ишлар самарадорлигига эришиш учун ижтимоий фанлар, хусусан тарих фанидан чуқур билим бериш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир албатта.

Мамлакатимизда ташкил этилган хусусий олий таълим ташкилотларида асосий мақсад моддий даромад олиш бўлиб қолаётганлиги, уларда таълим сифати эмас, балки талаба сонини ошириш учун кураш зўрайиб бораётганлиги сабабли маънавий маърифий ишлар, таълим сифати, китобхонлик, илмий тадқиқот ишлари каби масалалар эътибордан четда қолиб кетаётганлиги кузатилмоқда. Ваҳоланки бу масала ҳар бир таълим даргоҳининг энг устувор вазифаларига айланмоғи даркор.

Юқоридаги масалалар ечими юзасидан қуйидагилар таклиф қилинади:

Биринчидан, мамлакатимиз зиёлилари ва олимларининг бошини қовуштириб, уларнинг билим ва тажрибаларини ёшларимизга улашиш ҳамда маънавий – маърифий ишларни қатъий таъминлаган ҳолда дунёвийликка асосланган, тарих ва ижтимоий фанларга ихтисослашган янги намунавий хусусий олий таълим даргоҳини ташкил этиш ва унга ўзбек халқининг атоқли тарихчи олими Академик Б.Ахмедов номини бериш мақсадга мувофиқ деган фикрдамыз.

III Ренессанс пойдеворини қуриш йўлида юксак интеллектуал салоҳиятли, рақобатбардош, креатив, замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган, бир неча хорижий тилларни мукамал эгаллаган, маънавий етук кадрларни тайёрлаш Университетнинг бош вазифаси этиб белгиланади.

Иккинчидан, янги университетнинг моддий техник базаси шакллантириш зарур. Конференция ва мажлислар заллари, ўқув аудиторияларини мебел ва ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, замонавий кутубхона фаолиятини йўлга қўйиш керак. Ўқув адабиётлари контентларининг рақамлаштирилган шакллари, жумладан дарсликлар, илмий-тадқиқот ишлари, мақолалар, тақдимотлар, мультимедиа таълим маҳсулотлари, маърузаларнинг аудио ва видео ёзувларини ўз ичига олувчи махсус платформани жорий этилади.

Учинчидан, талабаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шароити оғир бўлган оилалар фарзандларининг таълим олишлари учун уларга ҳомийлар орқали моддий ёрдам кўрсатиш, йўлдан адашган, турли оқимларга кириб қолаётган йигит-қизларни тўғри ҳаётга қайтариш масаласи устувор вазифалар қаторида белгиланади. Бу борада маънавият ва маърифат, маданият масканлари, музейлар, шоир ва адиблар, маҳаллий бошқарув органлари, соҳа мутахассислари билан ҳам яқин ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Тўртинчидан, Университет концепциясида ўқув жараёни асосан тарих ва ижтимоий-иқтисодий фанлар йўналишлари бўйича етук кадрлар тайёрлашга қаратиш ва мамлакатимиз ва хориждаги олий таълим ташкилотларининг бу борадаги илғор педагогик ва инновацион тажрибаларидан фойдаланиш назарда тутилади. Ўқув жараёнини тўлиқ информацион технологиялар (ички сервер) орқали бошқариш тизими (Moodle) йўлга қўйилади. Тарих таълим йўналиши талабалари учун амалий машғулотлар доирасида музейлар, қўлёзмалар фондларида, қадимий обидалар ва қадамжоларда кўчма-сайёр дарслар ва “дала амалиётлари” ташкил этилади.

Университет қошида йўналишлар кесимида факультетлар ва кафедралар ташкил этилади. Уларда ишлайдиган профессор-ўқитувчилар қонунчиликда белгиланган тартибда танлов асосида ишга олинади. Университетда таълим бериш ва таълим олиш жарёнлари соғлом рақобат муҳитида шакллантириб ва ривожлантириб борилади.

Бешинчидан, Университетда таълим ва илм-фан уйғунлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиклари, илмий – тадқиқот институтлари, қўлёзмалар фондлари, хорижий мамлакатлардаги олимлар билан ҳамкорликда Тарих бўйича илмий тадқиқот маркази ташкил этилади. Шу йўл билан ижодий муҳит яратиш. Шунингдек тарих таълим йўналиши бўйича Фанлар Академиясининг Тарих, Шарқшунослик, Археология институтлари билан биргаликда ихтисослашган Илмий кенгашлар очиш ва ёш тадқиқотчи олимларнинг диссертация ҳимоялари учун қулай имкониятлар яратилади.

Тадқиқотчилар ва иқтидорли талабаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун номдор стипендиялар жорий қилинади, турли даражадаги олимпиадаларда талабаларнинг муносиб иштироки таъминлаш ва уларнинг таълимнинг кейинги босқичларини (магистратура, докторантура) чет элларда мос мутахассислик ва ихтисосликлар бўйича давом этишлари учун Осиё ва Европа мамлакатларининг етакчи

олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда малака ошириш ва амалиёт курсларига юбориш ташкил қилинади.

Шунингдек йиллар мобайнида Университетни халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг (Quacquarelli Symonds World University Rankings ёки Times Higher Education) соҳавий, минтақавий ёхуд тематик рейтингларига киритилишига эришиш учун тегишли чора-тадбирлар кўриш ва уни “Scopus”, “Web of Science” каби халқаро маълумотлар базасига киритишдек олий мақсадлар белгиланади.

#### **ХУЛОСА**

Бундай университетни ташкил этиш ёш авлодни тарбиялашда, ўтмиш тарихимизни ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлади. Келажакда ушбу университетда таҳсил оладиган ёшлар тарихимизнинг ҳали ўрганилмаган қирраларини очишда энг катта дастёр бўлишига умид қиламиз.